# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 3 март, № 43 (7001) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 март куни Навоий вилоятида бўлди.**



Навоий вилояти ўзининг меҳнаткаш халқи, ер ости ва ер усти бойликлари, улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда алоҳида ўринга эга. Вилоятда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати изчил ривожланган.

Бугун вилоятда йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумцемент", "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятлари ва "Электркимёзаводи" қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йил 28 март куни вилоятга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига доир ишлар билан танишган эди. Орадан ўтган бир йил давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Ижро жараёни давлат раҳбарининг шахсий назоратида. Президентимизнинг бу сафарги ташрифи ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат раҳбари дастлаб Кармана туманидаги "Karmana golden eggs" масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Уни ташкил қилиш бўйича лойиҳа ўтган йил март ойида Президентга тақдим қилинган эди. Орадан ўтган вақт давомида биринчи босқичдаги ишлар бошланди. 90 кунда товуқ етиштиришга мўлжалланган паррандачилик комплексида эллик иш ўрни яратилди. Мажмуада жўжа уч ой давомида парваришланиб, тухум берадиган товуқ ҳолида сотувга чиқарилади.

Президент Шавкат Мирзиёев лойиҳа ташаббускорлари билан келажак режалари ҳақида суҳбатлашди. Маълум қилинганидек, 2019 йилда инкубация, тухум етиштириш комплексларини ишга тушириш мўлжалланган. Олинадиган маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга чиқарилади, яна 100 кишининг бандлиги таъминланади.

— Паррандачилик бўйича тизим яратилибди, — деди Президент. — Энди бу ерда тухум етиштириш ва уни экспортга чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи доирасида "Навоий" эркин иқтисодий зонасида истиқболдаги режалар тақдимоти бўлиб ўтди. Маълумки, 2010 — 2016 йилларда иқтисодий зонада 22 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 904 иш ўрни яратилган. Тақдим қилинган режага кўра, 2017 — 2019 йилларда 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 1659 та иш ўрни яратилади. Бунда электротехника, фармацевтика ва тиббий буюмлар, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Лойиҳаларда мармар ва гранит тошлар, композит тош маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси ҳам ўрин олган. Тош карьерларидан мармар қазиб олиш, қайта ишлаш, композит ва архитектура қурилмалари яратиш ишлари бажарилади.

Давлат раҳбарига тақдим қилинган яна бир режа бўйича 2018-2019 йилларда умумий қиймати 84,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган алюмин профиллар, аксессуар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи 4 та лойиҳа амалга оширилади.

— Навоий вилоятида иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд, — деди Президент. — Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ташаббускор тадбиркорларни топиш керак. Бунинг учун яқин вақтда вилоятда бизнес форуми ташкил қилиш лозим. Унга чет эллик инвесторларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шунда Навоийга энг сара инвесторлар келади.

Вилоятда шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси Зарафшон шаҳри ҳудудида амалга оширилади. 350 кишининг бандлиги таъминланадиган корхонада силлиқ лист ойна, шиша идишлар ишлаб чиқарилади.

Президентга замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Балиқчиликка оид режа давлат раҳбарига манзур бўлди. Унда Кармана туманидаги хонадонларда кичик сув ҳавзалари барпо этиб, интенсив усулда балиқ етиштириш мўлжалланган. Лойиҳага кўра, икки сотих ерда интенсив усулда балиқ етиштирилади. Давлат раҳбарига етиштириладиган балиқ турлари, озуқаси, даромадлар ҳақида маълумот берилди.

— Балиқ парҳез маҳсулот ҳисобланади, гўшт ўрнини босади. Шундай экан, бу тармоқни ривожлантиришга катта эътибор бериш зарур, — деди Президент. — Хонадонларда етиштирилган балиқ аҳолига фақат қўшимча даромад манбаи эмас. У соғлиқ учун ҳам фойдалидир.

Маълум қилинганидек, Навоий вилоятидаги "Тўдакўл" сув ҳавзасида очиладиган балиқчилик мажмуасига 1200 гектар ер ажратилади. Эронлик инвесторлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳа йилига 5000 тонна балиқ, 4000 тонна қайта ишланган балиқ маҳсулотлари (балиқ филеси, фарши, дудланган балиқ) тайёрлашни кўзда тутади.

Мамлакатимиз иқлим шароитига мос, тоғ ва тоғолди ҳудудларда етиштириладиган писта меваси хуштаъмлиги билан алоҳида ажралиб туради. Олимлар фикрича, писта дарахти минг йилгача ҳосил беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи доирасида Нурота туманида 10 минг гектар лалми ерда ташкил этиладиган интенсив писта плантациялари лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбарига унинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Қиймати 21 миллиард сўмлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 850 киши доимий иш билан таъминланади.

Маълумки, бизда мавжуд технологиялар асосида экилган писта 11-12 йилда ҳосилга киради. Бир туп дарахтдан 200 — 300 грамм ҳосил олиш мумкин. Янги плантацияларни такомиллашган технология асосида барпо этиш кўзда тутилган. Яъни кўчатхонада ўстирилган ниҳолга иккинчи йил навдор пisталардан олинган куртак пайванд қилинади. Учинчи йилдан уни очиқ майдонда экиш мумкин. Ушбу технологияда экилган писта 7-8 йилда ҳосилга киради. Унинг бир тупидан 1,5-2 килограмм писта олиш мумкин.

— Қишлоқ хўжалигига илмий ёндашмай қўйганимиз боис кўплаб экинлардан кутилган даражада ҳосил ололмаяпмиз, — деди Президент. — Бундан буён соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, экинни экишдан бошлаб уни йиғиб-териб олишгача олимлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак. Ҳосилдорлик қанча юқори, экспортбоп бўлса, деҳқон бойийди. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам шу.

Писта плантациялари 2018 — 2021 йиллар давомида барпо этилади.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари ишлаб чиққан гидрогель моддаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу модда ўсимлик ўсиши ва ривожланишини жадаллаштиришга хизмат қилади. Гидрогель ёмғир сувини ва ўсимликка берилган ўғитни сақлайди. Сувни 50 фоизгача тежашга ёрдам беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятида чўл ўрмончилигини ривожлантириш илмий марказини ташкил этиш, Хатирчи туманида боғ ва замонавий иссиқхона барпо этиш, мева-сабзавотни қайта ишлаш, Навбаҳор туманида томчилатиб суғориш усулида бодом ва писта плантациялари очиш, қоракўлчилик, тивит жунли эчкиларни кўпайтириш, 2018-2019 йилларда вилоятда озиқ-овқат таъминотини равнақ топтириш ва қатор бошқа йўналишларга оид истиқболли лойиҳалар билан танишди. Уларни ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «МАНГОЛЬД КОНСАЛТИНГ» КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни Тошкент халқаро аэропортида Германиянинг «Мангольд Консалтинг» компанияси бошқаруви раиси Клаус Мангольд билан учрашди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистонда Германиянинг етакчи компаниялари билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли шерикликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Германиянинг «МАН», «Клаас», «Лемкен», «Кнауф» каби ўз соҳасида етакчи бўлган концерн ва корхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда. «Сименс», «Бош», «Висманн», «Хумана» ва кўплаб бошқа компаниялар билан биргаликда истиқболли инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Германиядан Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми 1 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда Германия компаниялари билан Ўзбекистонда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини очиш, транспорт-логистика ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, савдо-сотиқ ва қўшма лойиҳаларни молиялаштириш бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

«Мангольд Консалтинг» компаниясига раислик қилиш билан бирга туризм соҳасида энг йирик компаниялардан бири бўлган «ТУИ груп» кузатув кенгашининг раҳбари саналадиган Клаус Мангольд Ўзбекистон Республикаси Президентига мулоқот қилиш имконияти ҳамда Германия ишбилармон доираларининг Ўзбекистондаги лойиҳалари ва таклифларига кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли бизнес-шерикликдан ғоят манфаатдор эканини қайд этди.

**ЎзА.**

## Зайд Раад ал-Ҳусайн:

# «Ўзбекистон раҳбариятининг жадал олиб бораётган ислоҳотларини қўллаб-қувватлаймиз ва бу жараёнга ҳисса қўшишга тайёрмиз»

*Шу кунларда Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 37-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Русланбек Давлетов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидовдан иборат мамлакатимиз делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн билан учрашди.*

**ЭЪТИРОФ**

Учрашув давомида Ўзбекистоннинг БМТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги ҳолати ва истиқболдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Олий комиссар мамлакатимизда кейинги пайтларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, адолатга эришишни такомиллаштириш, суд жараёнларининг самарадорлиги ва сифатини ошириш борасидаги ишларни эътироф этди.

Мулоқот давомида Зайд Раад ал-Ҳусайнга Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишнинг асосий натижалари, шунингдек, Ўзбекистон билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан "Йўл харитаси" ижроси ҳақида маълумот берилди.

БМТ Олий комиссари 2017 йилнинг май ойида Ўзбекистонга ташриф буюргани, Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан Тошкент ва Нью-Йорк шаҳарларида музокаралар ўтказганини катта мамнуният ила эслади.

Олий комиссар Ўзбекистонда барча жабҳада давом этаётган демократик ўзгаришларни ижобий натижа сифатида баҳолади. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг муҳимлигини таъкидлади.

"Мамлакатингизга ташрифим чоғида ўзим гувоҳ бўлганларим, қолаверса, ходимларимдан эшитаётганларимни инобатга оладиган бўлсам, Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари хурсанд қилади ва умид уйғотади ҳамда сизлар тўғри йўлда ривожланаётганингизни тасдиқлайди", дейди БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари.

У Ўзбекистон Президентининг 2018 йил кузида Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумини ўтказишга доир ташаббусини ҳамда мамлакатнинг 2021 — 2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига илгари сурилганини қўллаб-қувватлади.

Олий комиссар ўз бошқармаси Ўзбекистон билан ҳар томонлама самарали ҳамкорликка тайёрлигини билдирди.

Мулоқот якунида Зайд Раад ал-Ҳусайн Ўзбекистонга оиласи билан норасмий ташриф буюриш истаги борлигини ҳам айтди.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати.**

## Содиқ Имомий:

# «Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ўзаро муносабатлари тарихида янги саҳифа очилмоқда»

*Сўнгги пайтларда Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар, хусусан, Тожикистон билан ўзаро ҳамкорликни сифат ва суръат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Чунончи, икки давлат ўртасидаги конструктив сиёсий мулоқот тинчликсеварлик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳамда аҳиллик принципларига таянилган ҳолда, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларнинг изчил ривожида яққол акс этмоқда.*

*Мухбиримиз Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Содиқ Имомий билан шу мавзуда суҳбатлашди.*

**ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ**

***— Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланишининг бугунги суръатларини қандай баҳолайсиз?***

— Бугун Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқди. Ўзаро ҳамкорликдаги ишлар ҳукумат, турли вазирликлар, идоралар раҳбарлари, экспертлар даражасида жадал кетаяпти. Фаол олиб борилаётган мазкур саъй-ҳаракатлар мавжуд муаммоларни яхши қўшничилик ва шерикчилик руҳида ҳал этиш, шу асосда уларни сифат жиҳатидан юксак поғонага кўтариш учун платформа яратишга қаратилган.

(Давоми 3-бетда).

**«Обод қишлоқ» дастури**

# «Қувончимиз чексиз, таърифига сўз йўқ»

*"Бунақаси бўлмаган". Бугун халқимизга хос ҳайрат ифодаси мужассам ушбу ибора ҳар қадамда, ҳар бир шаҳару қишлоқларимизда тез-тез тилга олинаётганлиги бор гап. Кимдир уйли, кимдир ишли бўлиб, яна биров неча йиллардан буён ечилмаган муаммосининг ҳал этилганлигидан хушнудлигини ана шундай миннатдорлик сўзлари орқали баён қилмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятининг олис Ҳовособод қишлоғидаги қайси хонадонга кирманг, ким билан суҳбатлашманг, барчанинг юзида хурсандчилик ва кўтаринки кайфиятни кўрасиз.*

(Давоми 2-бетда).

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

## V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида 2018 йил Ўзбекистонда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб номлангани ҳамда тегишли Давлат дастури қабул қилингани ҳақидаги материал Бош Ассамблея 72-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида ташкилотнинг расмий олти тилида тарқатилди.*

# Давлат дастури ҳақидаги материал БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Ҳужжатда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Фармони билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқлангани маълум қилинган.

Таъкидланганидек, мазкур Давлат дастури беш бўлимдан иборат бўлиб, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат йўналишларини қамраб олган.

Шу билан бирга, Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, "Давлат хизмати тўғрисида", "Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида", "Фан тўғрисида", "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилгани қайд этилган.

Материалда "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлиб, ушбу ҳужжат, аввало, давлат идоралари хизматини ҳақиқатан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизимни шакллантиради, шунингдек, юклатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчилари жавобгарлигини ошириши ҳам маълум қилинган.

Хабар берилганидек, фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида электрон жамоавий мурожаат қилиш — петиция йўллаш тизими жорий этилади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, органлар эса маълум сонли фуқаролар томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади. Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали "Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади", деган тамойил амалда рўёбга чиқарилади.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, смарт технологиялар ва "ноу-хау"ларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилган.

Мазкур ҳужжатда венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ҳамда янги технологиялар жорий қилишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилиши ҳам қайд этилган.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Давлат активларини электрон савдо майдонлари орқали сотиш тизимини яратиш мўлжалланмоқда.

"Банклар ва банк фаолиятига доир қонунчилик тубдан қайта кўриб чиқилиб, соҳада "рақамли банкинг", "интернет-банкинг" ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ қилинади. Шунингдек, солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилади. Туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади", дея таъкидланади ҳужжатда.

Алоҳида қайд этилганидек, тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасида "ақлли тиббиёт" тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш учун чекка ҳудудларда 2000 километр оптик толали алоқа линиялари тортиш, интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ва 4 мингдан зиёд мобиль алоқа таянч станцияларини ишга тушириш кўзда тутилаётгани ҳам маълум қилинган.

Ушбу материалда Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилиши таъкидланган.

Ҳужжат якунида Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши қайд этилган.

**«Жаҳон» АА.**
Нью-Йорк

---

**МУЛОҚОТ**

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили сентябрь ойида Америка Қўшма Штатларига ташрифи давомида "океан орти"да истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашиб, уларнинг турмуш тарзи, иш фаолияти, ўқишдаги ютуқлари ҳақида суҳбатлашган эди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари Америкада яшаётган кўп сонли юртдошларимизни ўз Ватанига қайтишига, бу ерда эмин-эркин фаолият юритиб, Ўзбекистон ривожига ҳисса қўшишга чорлаган эди.*

*Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бу жараённинг дастлабки қадамлари қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида "АҚШдаги ватандошлар билан маданий ва маърифий алоқаларни йўлга қўйиш" мавзуида видеоконференция бўлиб ўтди.*

# Ватандошлар билан юзма-юз

Видеоанжуманда мамлакатимизнинг 17 та вазирлик ва жамоат ташкилоти мутасаддилари, ходимлари қатнашди. АҚШда умр кечираётган ўзбек диаспораси томонидан Чикаго шаҳридаги "Ўзбек — Америка ассоциацияси" президенти Олим Шарипов, Филадельфия шаҳридаги "Юртдош" жамоат ташкилоти раҳбари Шарофитдин Зиямов, Атланта шаҳридаги "Ўзбек жамияти алоқалари" раҳбари Жалолиддин Ходжаев, "Тошкент — Сиэтл" биродарлашган шаҳарлари ассоциациясининг раиси ўринбосари Лола Захарова ва шу жамоат ташкилотларининг йигирмадан зиёд фаоллари иштирок этди.

Тошкент вақти билан тонгги соат 8:00 да, Америка вақти билан тахминан тунги соат 22:00 да бўлиб ўтган ушбу виртуал мулоқот мазмунли ва самимий руҳда кечди. Узоқ муддат ечимини кутиб турган муаммолар ҳақида ниҳоят гапира олиш имконияти туғилганидан мамнун бўлган ватандошлар гарчи бошқа-бошқа штатларда яшасалар-да, ўртага ташлаган таклифлари, кўтарган масалалари деярли бир хил эди.

Тадбир бошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари Камолиддин Ишанходжаев юртимизда хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ён-атрофимизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини ривожлантириш, юртимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, миллатлараро муносабатлар ривожида янги босқич бошланди.

Ватандошларимизни қизиқтирган саволларга йиғилишда иштирок этган мутасаддилар атрофлича жавоб беришди. Томонлар очиқ мулоқотдан мамнун бўлгани ва бундан кейин ҳам шундай тадбирларни мунтазам равишда ўтказишга келишиб олишди. Энг асосийси, яқин вақт ичида турли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиши қайд этилди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

### СЎЗ — ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Лола ЗАХАРОВА,**
**"Тошкент — Сиэтл" биродарлашган шаҳарлари ассоциациясининг раиси ўринбосари:**

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни катта ҳаяжон билан кузатиб бораяпмиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг нафақат мамлакат аҳли, шу билан бирга, хорижда яшаётган ватандошлар ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб турганидан мамнунмиз.

24 март куни Наврўз байрамини нишонлаймиз. Тадбиримизда мингга яқин кишилар қатнашиш истагини билдирди.

**Фазлиддин ШАМСИЕВ,**
**Сиэтлда истиқомат қилаётган ватандошимиз:**

— Сиэтл шаҳрида тахминан 100 та ўзбек оиласи яшайди. Бу ерда ўзбек маҳаллаларини ташкил этганмиз. Ҳозир ёшларимиз тарбияси учун кўпроқ қайғурмоқдамиз. Чунки Ватандан узоқда, ўзга тилда таълим олиш кичик ёшдаги фарзандларимизнинг ўз она тилларини унутиб қўйиши хавфини туғдирмоқда. Бизга ўзбек тилини ўргатадиган болаларбоп дарсликлар, ўқув қўлланмалари, миллий урф-одатларимиздан ҳикоя қилувчи китоблар жуда зарур. Анжуманда яқин вақт ичида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан бизга адабиётлар тақдим қилиниши ҳақидаги хабарни эшитиб жуда қувондик.

**Олим ШАРИПОВ,**
**Чикаго шаҳридаги**
**"Ўзбек — Америка ассоциацияси" президенти:**

— Жамиятимиз Америкада яшаётган ўзбек фуқаролари орасида она тилимизни, маданиятимизни, урф-одатларимизни сақлаш, болаларимизни ўзбекона руҳда тарбиялаш ва америкаликларга Ўзбекистонни фақат яхши томондан таништириш мақсадида тузилган. Ниятимиз Ўзбекистондаги бирор мактаб билан ҳамкорлик ўрнатиш. Бу борада биз инглиз тилидаги китобларни ўзбекистонлик болаларга етказиб бера оламиз ва ўз навбатида, сизлардан ўзбек тилидаги китобларни олсак, деган орзуларимиз бор.

---

# Хорижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистондаги ислоҳотларни фаол ёритмоқда

*Юртимизда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари катта қизиқиш билан кузатишда давом этмоқда.*

Bloomberg

Хусусан, молия йўналишида етакчи саналган **"Bloomberg"** ахборот агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров билан уюштирган интервьюси кўплаб ўқувчилар диққатини тортди. Унда республикамизда иқтисод, молия тизимида ҳаётга татбиқ қилинаётган ташаббуслар атрофлича тилга олинган. "Биз ўзбек компаниялари ҳам халқаро молия бозорига чиқишини хоҳлаймиз. Бизнинг мақсад уларни замонавий корпорацияларга айлантиришдир", дея молия вазирининг сўзларидан иқтибос келтиради агентлик.

THE DIPLOMAT
Read The Diplomat, Know the Asia-Pacific

Ушбу суҳбатдан келиб чиқиб, яна бир йирик нашр — **"The Diplomat"** Марказий Осиё давлатларининг бугунги ҳолати, истиқболига бағишланган таҳлилий мақола эълон қилди. Муаллиф Паоло Сорбельонинг ёзишича, Марказий Осиёда Ўзбекистон юритаётган сиёсат инвесторлар учун ишончли бозор сифатида халқаро жамоатчилик эътиборини тортмоқда. "Ўзбекистон кўп сонли аҳолиси ҳамда ривожланган иқтисодиёти билан инвесторлар учун осон сармоя киритиш мумкин бўлган мамлакатдир", дейилади.

Hürriyet

Туркиядаги энг оммабоп газеталардан бири — **"Hurriyet"**да Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар тобора ривож топаётгани айтилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти ҳақида сўз борган. Қайд этилишича, Президент Шавкат Мирзиёев Президент Режеп Таййип Эрдоғанни туғилган куни билан самимий қутлаб, унинг Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги қардошлик ҳамда стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган катта эътибори ва саъй-ҳаракатларини ҳамда қўшаётган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Шунингдек, Туркия Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига бўлғуси олий даражадаги ташрифига тайёргарлик кўриш ва муқаддам эришилган келишувларнинг бажарилиши масалалари юзасидан Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ташкиллаштириш муҳимлиги ҳам эътироф этилган.

FF | FIBRE2FASHION.COM
WORLD OF GARMENT · TEXTILE · FASHION

Малайзиянинг тўқимачилик, бизнес, мода саноатига ихтисослаштирилган **"fibre2fashion"** интернет-ресурси ўзбек пахтасини етиштириш, уни истеъмолчиларга етказиш ҳақида сўз юритади. "Пахта етиштиришда шаффофлик бўлиши маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса одамлар фаровонлигини таъминлашга, она-табиатни асрашга хизмат қилиши табиий", дейилади интернет-ресурсда.

Умуман олганда, юртимизга оид бу каби мақолалар дунё масс-медиасида изчил ёритилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**

---

## Содиқ Имомий:

# «Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ўзаро муносабатлари тарихида янги саҳифа очилмоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътиборлиси, ушбу интилишлар икки мамлакат раҳбарлари томонидан доимий ҳамда жиддий назоратга олингани шарофати билан ўз самараларини бераяпти. Демак, икки томонлама алоқаларда пойдевор яратиш муваффақиятли кечмоқда. Ҳозирги кунга келиб ўзаро манфаатларни ифодаловчи деярли барча жабҳани қамраб олган қарийб ўттизта ҳужжат маъқуллангани бунинг ёрқин тасдиғидир.

***— Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида қўшни давлатларга алоҳида эътибор қаратаяпти. Фикрингизча, буларнинг самарадорлиги нималарда кўринаяпти?***

— Ўзбекистоннинг 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган ҳамда амалий қадамлар билан мустаҳкамланган янги ташқи сиёсати минтақада яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш учун қулай муҳитни вужудга келтираяпти. Бу эса, ўз навбатида, барчамиз учун Марказий Осиё мамлакатларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини бермоқда. Зеро, бу муаммолар шунчаки оддий масалалар эмас. Бизнинг умумий хавфсизлигимизга таҳдидлар ва хатарлар, мураккаб экологик ҳамда иқтисодий масалалар ҳамда бошқалар шулар жумласидандир. Таъкидлаш лозимки, Тожикистон ҳам қўшни мамлакатлар билан муносабатларга устувор аҳамият қаратади. Улар орасида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллайди. Биз ўзаро ҳамкорликда умумий тарихий-маданий қадриятларимиз ва халқларимиз ўртасидаги яхши алоқаларнинг бой анъаналари ҳамда бугунги кун реал ҳаётида кўпайиб бораётган имкониятлардан келиб чиқамиз. Бу эса ўз саъй-ҳаракатларимиз ва салоҳиятимизни бирлаштириш, нафақат мавжуд муаммоларга ечим топиш, балки халқларимиз ва давлатларимиз учун ёрқин келажакни таъминлашга имкон беради. Бугун олиб борилаётган ишлардан кўзланган мақсад ҳам шу ва у ўзаро узоқ муддатли яқин шерикчилик алоқаларига замин яратади. Зеро, бизнинг минтақа ўзига тўқ ҳамда дунёнинг энг ривожланган ҳудудларидан бирига айланиши учун барча зарур ресурсларга эга. Биз эса биргаликда ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга интиламиз.

***— Кўп йиллардан бери икки мамлакат давлат чегараси, назорат-ўтказиш пунктлари фаолияти, виза режими каби масалаларда муаммолар мавжуд эди. Шундай эмасми?***

— Дарҳақиқат, яқин тарихда мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқот муҳим ўзгаришлар суръатлари ва жўшқинликни намоён эта олмади. Бу нафақат ўтмишдан қолган масалаларга ечим топилмаслигига олиб келди, балки қўшнилар ўртасидаги нормал ҳамкорлик йўлига ғов бўлган муаммолар қатламини юзага келтирди. Уларнинг сирасига нафақат сиз айтиб ўтган масалалар, балки хоҳ савдо, хоҳ маданий-гуманитар алоқалар бўлсин, деярли барча соҳадаги, бир қисми сунъий ҳосил қилинган жиддий тўсиқларни киритиш мумкин. Чегараларда вужудга келган вазият халқларимизнинг кўп асрлик дўстлик, оға-инилик ва қардошлик муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. Бугун биз ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан бу тўсиқларни аниқлаб, бартараф этаяпмиз. Ва жуда қисқа вақт ичида халқларимиз ушбу умумий интилишларимиз самарасини кўради. Бунда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, уларнинг икки қардош халқ ўзаро муносабатлари тарихида янги саҳифани очишга бўлган ишончи ва қатъийлиги ҳал қилувчи омилга айланди.

***— Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги сиёсий мулоқот хусусида ҳам фикрларингизни билдириб ўтсангиз.***

— Икки давлат ўртасидаги муносабатлар битмас-туганмас салоҳият касб этишига ишончим комил. Уни тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳам эришилади. Зеро, бу мамлакатларимиз туб манфаатлари ва халқларимиз орзу-умидларига ҳам мосдир. Бинобарин, Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг истиқболдаги алоқаларига кўтаринки кайфият ва некбинлик билан қараяпман. Шубҳасиз, бугунги кунда барпо этилаётган платформа яқин келажакда икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ички ва ташқи мақсад ҳамда вазифаларни муваффақиятли амалга ошира диган ишончли ҳамкорлар ва шериклар қиёфасида қайта тузиб беради.

***— Давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий-гуманитар ва таълим соҳасидаги алоқалар қандай кечаяпти?***

— Олиб бораётган ишларимиз бугунги кунда кўплаб соҳалар ва айниқса, савдо алоқаларида ўзининг ижобий ифодасини топаяпти. Маълумотларга кўра, 2016 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 70 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 125 миллион доллардан ошди. Шубҳасиз, бу ҳали бошланиши. Ўзаро товар ва инвестиция оқими йўлидаги ғовларни олиб ташлашимиз, юк ташиш номенклатурасини кенгайтиришимизга қараб, ушбу рақамлар бир неча баробар ўсади. Ҳозир энг қисқа муддатларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион АҚШ долларигача етказиш вазифаси қўйилган ва фикримча, буни тўлиқ амалга оширса бўлади. Бундай оптимизм охирги йилларда мамлакатларимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилаётгани, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган янги технологик корхоналар пайдо бўлгани билан изоҳланади. Айни чоғда давлатларимиз иқтисодиёти бир-бири билан рақобатлашмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Бу эса ўзаро юк ташиш ҳисобига эҳтиёжларимизни қондириш ва кооперацияни ривожлантириш эвазига биргаликда ташқи бозорга чиқиш учун қулай база яратади.

Ўтган йили Тошкентда Тожикистон маданияти кунлари, Душанбеда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Улар халқларимизнинг том маънодаги дўстлик байрамига айланиб кетди. Ўзим ҳам Тошкентда ўтказилган тожик маданияти кунларига қандай катта қизиқиш билдирилганига гувоҳ бўлдим.

Пойтахтларимиз ўртасидаги авиақатновлар йўлга қўйилганига ҳам ҳадемай бир йил тўлади. Ва биз нафақат Душанбе билан Тошкентни, балки Бохтар ва Кўлобни Самарқанд ҳамда Бухоро билан боғлайдиган парвозлар частотаси ҳамда географиясини кенгайтириш бўйича келишувга эришдик. Асосий вазифа эса икки давлатнинг оддий фуқаролари учун ҳам мазкур рейслардан фойдаланиш имкониятини яратиш бўйича захиралар топишдир.

Умуман олганда, ҳар куни қардош Ўзбекистоннинг турли бурчакларидаги одамлар билан мулоқот қилар эканман, халқларимиз бир-бири билан чин дилдан ва самимият ила суҳбатлашишни соғинганини яққол ҳис қиламан. Зеро, улар бугун қўлга киритилган натижаларни кўтаринки кайфият билан кутиб олаяпти.

***— Маълум бўлишича, яқин кунларда Ўзбекистон Президенти Тожикистонга давлат ташрифи билан бориши кутилаяпти. Мамлакатингизда мазкур тарихий аҳамиятга эга воқеага қандай тайёргарлик кўрилмоқда?***

— Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи икки қардош давлат ўртасидаги муносабатларда тарихий воқеа сифатида баҳоланмоқда. У бугун яқин ҳамкорликда синчковлик ва қунт билан олиб борилаётган ишларга муносиб баҳо бўлади ҳамда ўзаро алоқаларни тараққиёт йўлида янада олға силжитиш учун йўналишларни белгилаб беради. Шунинг учун мазкур ташриф кун тартиби ва уни ташкил этиш билан боғлиқ барча масала шахсан Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Имомали Раҳмон назоратига олинган.

Бугун иккала мамлакатда ҳам кенг миқёсдаги тайёргарлик ишлари кетаяпти. Бу борада йил бошидан буён икки давлат Бош вазирлари даражасидаги иккита учрашув, Бош вазир ўринбосарлари даражасидаги ҳукумат делегациялари Душанбе ва Тошкентда уч бора муҳокама ўтказгани, деярли ҳар кунлик режимда телефон орқали мулоқотлар қилиб борилаётгани ҳақида сўз юритишнинг ўзи кифоя. Буларнинг барчаси яқинда бўлиб ўтадиган воқеалар билан боғлиқ масалалар миқёси ва жиддийлигини ифодалайди.

Давлат ташрифи дастури бой ва кўп қирралидир. У нафақат расмий учрашувлар ва муҳокамаларни, балки фан, маданият, бизнес соҳаларининг кенг доирадаги вакиллари ўртасидаги мулоқотни ҳам назарда тутади. Икки мамлакат раҳбарлари учрашуви фақатгина қатъий протокол доираси билан чекланиб қолмайди, балки халқларимиз бир-бирини дўстона бағрига босиш йўлида жадал қадам ташланаётганининг гултожига айланади. Мазкур тарихий ўзгаришларга дахлдор учрашув кўпчилик қатори шахсан мен учун ҳам шарафли миссия ва юксак масъулиятдир.

Сўзимнинг якунида газетангиз орқали бутун Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**суҳбатлашди.**

**4 март — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун**

# Оила бахти, юрт келажаги



*Фарзанд — ота-онанинг бахту қувончи, авлод давомчиси, юрт келажаги саналади. Шу сабабдан халқимиз бола тарбиясига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашади.*

Бундан 25 йил муқаддам, яъни 1993 йилнинг 4 мартида мустақил юртимизнинг илк ордени сифатида "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилгани ҳам бежиз эмас. Бунда чуқур маъно-мазмун мужассам.

Соғлом авлод тушунчаси фарзандларимизнинг нафақат жисмоний, айни пайтда маънавий етуклиги, руҳий-ахлоқий баркамоллигини ҳам англатади. Шу боисдан биринчи ва иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига алоҳида ҳисса қўшаётган, келажак ворисларини маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш соҳасида катта ютуқларга эришаётган юртдошларимиз тақдирланади.

Таъкидлаш жоизки, болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшган турли чет давлатлар ва жамоат тузилмаларининг вакиллари ҳам "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланади. Шунингдек, моддий ва маънавий қадриятларни яратишга йўналтирилган умумдавлат тадбирларини ўтказиш, етим болалар ҳамда ногиронлиги борларни тарбиялаш, оналар ва болаларни муҳофаза қилишга катта ҳисса қўшган фуқаролар, жамоат ташкилотлари меҳнати ҳам мазкур орден воситасида қадрланади.

"Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши инсон ва унинг манфаатлари ҳар томонлама эъзозланаётган бизнинг диёримизда халқ саломатлиги, янги авлоднинг жисмоний ва руҳий-маънавий баркамоллиги олий қадрият, деб эътироф этилаётганлигининг ёрқин рамзидир.

**О. ФАЙЗИЕВ.**

ТУРИЗМ

## Қадимий кўчаларда электромобиллар

*Кўҳна Бухоронинг қадимий кўчалари бўйлаб электромобиллар қатнови йўлга қўйилди.*

— Сайёҳлар учун яратиб берилган катта қулайлик, яъни визасиз келиш имкониятидан фойдаланиб, юртингизга оилавий ташриф буюрдик, — дейди япониялик сайёҳ Нихато Касахара. — Бухоронинг эртакмонанд кўчалари бўйлаб электромобилда сайру саёҳат қилиш барчамизга, айниқса, фарзандларимга бир олам завқ бағишлади.

Айтиш жоизки, сўлим Лаби Ҳовуздан Пойи Калон ва Арк қўрғонига қадар бўлган масофада юздан зиёд қадимий обидалар жойлашган. Шу йўналишда ҳозир экологик тоза ҳамда хавфсиз авто тури саналган тўртта ихчам машина ҳаракатланмоқда. Тез орада улар сони яна 20 тага кўпаяди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ASAKA BANK

**«Асака» банки жамоаси**

*юртимиз аёлларини, онажонлар ва опа-сингилларни яқинлашиб келаётган* ***8 март — Халқаро хотин-қизлар куни*** *билан чин дилдан табриклайди!*



*Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва ҳамиша баҳор гулларидек гўзал бўлишингизни тилайди! Мамлакатимиз осмони доимо беғубор бўлсин, қалбингиз ҳамиша қувончга тўлсин!*

**Байрам муносабати билан қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этамиз:**

миллий валютада:
**«ФАОЛ ТАДБИРКОР»**
**«ҚАДРИЯТ»**
**«БАРАКАЛИ»**

хорижий валютада:
**«МАДАД»** *(АҚШ долларида)*
**«ИШОНЧЛИ»** *(АҚШ долларида)*
**«СТАБИЛЬНЫЙ-1»** *(еврода)*

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 22 турда ва хорижий валютада 11 турда, қулай шартларда омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

**Мурожаат учун «Асака» банки бош офиси телефонлари: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | (0-371) | 120-83-13 |
| «Автотранспорт» филиали | (0-371) | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | (0-371) | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | (0-371) | 221-80-67 |
| Сергели филиали | (0-371) | 257-44-10 |
| Тошкент вилояти филиали | (0-371) | 120-84-13 |
| Андижон вилояти филиали | (0-374) | 223-60-74 |
| Асака филиали | (0-374) | 233-21-99 |
| «Фарҳод» филиали | (0-374) | 226-96-63 |
| Фарғона вилояти филиали | (0-373) | 244-39-14 |
| Марғилон филиали | (0-373) | 237-62-23 |
| Олтиариқ филиали | (0-373) | 432-19-80 |
| Қўқон филиали | (0-373) | 542-61-01 |

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Наманган вилояти филиали | (0-369) | 227-15-68 |
| Навоий вилояти филиали | (0-436) | 770-21-29 |
| Зарафшон филиали | (0-436) | 572-40-14 |
| Бухоро вилояти филиали | (0-365) | 770-05-19 |
| Бухоро шаҳар филиали | (0-365) | 770-11-27 |
| Самарқанд вилояти филиали | (0-366) | 233-65-47 |
| «Афросиёб» филиали | (0-366) | 221-71-76 |
| Қашқадарё вилояти филиали | (0-375) | 221-07-41 |
| Сурхондарё вилояти филиали | (0-376) | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | (0-361) | 770-60-59 |
| Хоразм вилояти филиали | (0-362) | 228-14-81 |
| Сирдарё вилояти филиали | (0-367) | 225-44-03 |
| Жиззах вилояти филиали | (0-372) | 226-43-11 |

**Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

**«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**



MIKROKREDITBANK

**«Микрокредитбанк»**

**акциядорлик-тижорат банки жамоаси**

*опа-сингилларимизни яқинлашиб келаётган*

*8 март —*

***Халқаро хотин-қизлар куни***

*билан қутлайди ҳамда юртдошларимизга*

*«Бахт қуши» «Бахтли болалик» «Имконият» «Истеъмол»*

***номли омонат турларини таклиф этади.***

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

**Телефон: (+99871) 202-99-99.**
**www.mikrokreditbank.uz**

Хизматлар лицензияланган.



**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги**

**мактабгача таълим тизимида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ҳамда муассасаларни замонавий мебель ва жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида уларнинг сифати, шакли, дизайни, қулайлиги, замонавийлиги ҳамда хавфсизлигини ўрганиш бўйича ярмарка ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.**

Мактабгача таълим вазирлиги 2018 йил 13-14 март кунлари «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма мажмуасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналардан тўғридан-тўғри харид қилиш мақсадида ҳамда корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ўйинлар ва ўйинчоқлар, мебеллар ҳамда бошқа жиҳозларнинг сифати, шакли, дизайни, қулайлиги, замонавийлиги ва хавфсизлигини ўрганиш бўйича кўргазмали ярмарка ўтказилишини маълум қилади.

- Озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб берувчи кўп тармоқли фермерлар
- Дон маҳсулотлари корхоналари
- Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Мева-сабзавот маҳсулотлари (шарбатлар, консерва маҳсулотлари)ни қайта ишловчи корхоналар
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи фермерлар
- Болаларнинг интеллектуал қобилиятини ва моторикасини ривожлантирувчи дидактик ўйин ҳамда ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчилар
- Мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Спорт анжомларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Мусиқа асбобларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Ошхона асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Идиш-товоқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Ювувчи ва тозаловчи воситалар ишлаб чиқарувчи корхоналар
- Мактабгача таълим муассасаси учун зарур бўладиган жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар

мазкур кўргазмали ярмаркада қатнашиши мумкин.

*Кўргазмада иштирок этиш бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун Мактабгача таълим вазирлиги ва «Ўзэкспомарказ» МККга (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин.*

**E-mail: mtv_taminot@umail.uz**
**Телефонлар: (0-371) 215-52-69, 255-05-41, 255-34-71, (+99897) 700-08-38.**



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 973 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.35 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5